



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУГ'БЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишоновна О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

| | |
|---|----|
| Абдуллаев Э. Темурийлар даврида амир, бек унвонлари масаласининг илмий адабиёт ва хориж манбаларида ёритилиши | 4 |
| Зиёев Ш. Марказий осие давлатлари – европа иттифоқи сиёсий алоқалари тарихшунослиги | 7 |
| Инсопов А. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожланишида хорижий давлатлар тажрибаси ва амалиёти | 10 |
| Қудратов Д. Ўрта асрлар урбанизация жараёнларининг таҳлиллари (умумийлик ва ўзига хослик) | 14 |
| Рашидов О. Ўзбек зиёлилари ижодида миллий ва пролетариат мафқураси ўртасида кураш | 18 |
| Турсунов Р. XIX асрнинг 2 ярми - XX аср бошида туркистон ўлкасидаги экологик ҳолат ва сув ресурслари таснифи | 22 |

Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология

| | |
|--|-----|
| Alimboyeva R. Mustaqillikning dastlabki yillarida o'zbekistonda jismoniy tarbiya va sport: xalq ta'limi tizimida | 27 |
| Alimova K. Techniques of developing lexical skills and their implementation | 31 |
| Аманов Ғ. Ёшлар ижтимоийлашувида маънавий – ахлоқий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари | 34 |
| Атахўжаев В. Миллий кадрятлар тизимида комил инсон масалалари (оила маънавияти мисолида) | 37 |
| Атоев F. Talabalariga axborot texnologiyalari fanini o'qitishda elektron ta'lim resurslari o'rni | 40 |
| Akhmadjonova K. Communication strategies of children in situations introduction of new vocabulary in a foreign language | 43 |
| Beknazarova S., Qahramonova X. Texnika ixtisosligi talabalarida informatsion kompetentlikni shakllantirish metodikasining informatsion-analitik imitatsion modellardan foydalanish | 46 |
| Во`ronova G. COVID-19 pandemiyasi davrida robototexnika to`garaklarini virtual didaktik vositalar yordamida tashkil etish samaradorligi | 49 |
| Ғозибеков Т. Маиший-турмуш доирасидаги турли зўравонлик ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, илмий таҳлили ҳамда уларнинг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари | 53 |
| G'ofurova S. Strategies to increase critical thinking skills in english language teaching | 56 |
| Daminova G. Zamonaviy ta'lim muhitida integrallashgan kimyo darslarini tashkil qilish | 59 |
| Dekhkanova N. The use of innovative technologies in teaching in medical universities | 63 |
| Джураева Д. Муаммоли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш модели | 66 |
| Жуманиёзова Д., Қодирова Ф., Алимқулова Д., Нишонова К. Янги Ўзбекистондаги янгилашув тенденцияларида тасвирий ва амалий санъат терминларининг ўрни | 69 |
| Замилова Р. Вопросы формирования исторического мышления будущих учителей при изучении исторических наук | 74 |
| Избуллаева Г. Дидактик асарларда оилавий муносабатларнинг шахс маънавий юксалишидаги ўрни | 79 |
| Илхамова Д. Клиническая характеристика психологических расстройств у детей, больных хроническими соматическими заболеваниями | 83 |
| Инамова Г. Юқори синфларда инглиз тилини аудиовизуал воситалар ёрдамида тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантиришдаги муаммолар | 87 |
| Ишқобилов Ф. Компьютер имитацион моделлар асосида зоология фанидан углеводларнинг тузилиши ва ҳаракатларини виртуал лабораториясини яратиш технологияси | 90 |
| Карамян М. Психологическое благополучие как фактор ценностного отношения личности к здоровью | 95 |
| Кўнғиров И. Ижтимоий шериклик моделининг такомиллашуви жараёнида фуқароларнинг сиёсий маданияти | 99 |
| Qurbanov A. Bo'ljak muhandis-elektriklarning kasbiy sifatlariga qo'yiladigan zamonaviy talablar | 102 |
| Мажитов М. Шахс шаклланиши жараёнида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти | 106 |
| Маматов З. Ижтимоий-сиёсий қарашлар тарихида фуқаролик жамияти ғоясининг тараққиёти | 109 |
| Мамаюсупова И. Ўспиринлар ўртасидаги ўзаро муносабатларидаги низоларларининг экспериментал жиҳатдан ўрганилиши | 112 |
| Mahkamova L. Insult kasalligi bilan xastalangan bemorlarda afaziyalarning namoyon bo'lish xususiyatlari | 116 |
| Мираширова Н. Талаба-психологлар касбий камолотида ижтимоий-психологик портретининг аҳамияти | 120 |
| Mirgiyazova M. Common problems caused by testing and assessment in learning legal english and test modification process (in an example of tsul) | 124 |
| Мустафаева Н. Инглиз тилида ёзма нутқ компетенциясини ривожлантиришдаги қийинчиликларни бартараф этишда мультисенсорли ёндашувли хики методи | 128 |
| Нишанова О. Ўзбек аёллари этник маданиятининг трансформациялашуви | 131 |
| Nuraliyeva N. Boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarni malaka oshirish jarayonida kasbiy-ijodiy faoliyatini rivojlantirish | 134 |
| Отамуродов Ғ. Таълим соҳасида педагог кадрларни малакасини оширишда хориж тажрибасининг назарий ва илмий асослари | 137 |
| Radjabova A. Gender fenomeniga sharq va g'arb falsafasidagi munosabat | 141 |

| | |
|--|-----|
| Раҳманов Е. Yunon-rim kurashida kombinatsion hujum harakatlarini takomillashtirish yo'llari..... | 144 |
| Рябова М. Разработка методики диагностики семейной истории и семейных традиций | 149 |
| Самадов Ғ. Рақамли технологиялар муҳитида сиёсий лидер имижини бошқариш | 153 |
| Саъдиева Г. Давлат хизматчиси фаолиятини мувофиқлаштиришнинг методологик муаммолари..... | 157 |
| Сейтова З. Концепция устойчивого развития общества – признание общих интересов человечества..... | 160 |
| Туйчиева М. “Адабиёт” дарсликларидаги ўқув материаллари таҳлили | 163 |
| Тунянц А. Возрастная динамика переживания счастья в семье (гендерный аспект) | 166 |
| То‘рахонов Ғ. Fizika o‘qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanishning didaktik asoslari | 170 |
| Турғунова Г., Гаффорова М., Закирова Э. Фокус-группы как метод изучения представлений студентов о семье | 173 |
| Туркменова М. Талабалар толиқишини олдини олиш | 176 |
| Tursunov Q., Shohimardonov J. “Milliy dastur” asosida yaratiladigan zamonaviy ta’lim dasturi tahlili..... | 179 |
| Urinov V. Oliy ta’limda ta’lim sifati..... | 182 |
| Файзиева О. Техника тройного прыжка с разбега и методы его обучения студентам | 184 |
| Хайдарова А. Виртуал фуқаролик жамияти концепциясининг фалсафий мезонлари..... | 187 |
| Хасанова Н. Қандли диабетда шахснинг касалликка ва даволанишга муносабатининг хусусиятлари | 190 |
| Хафизова У. Философские основы языка религии | 195 |
| Холназарова Д. Талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар | 198 |
| Хамроев Ғ. Она тили таълимида ўқув топшириқларини такомиллаштиришнинг лингводидактик хусусиятлари..... | 202 |
| Cho‘liyeв A. Volleybol – inson salomatligining omili sifatida..... | 206 |
| Shirinqulova Sh. Tibbiy yo‘nalishdagi ta’lim muassasalarida tibbiy informatika metodikasi | 210 |
| Эмирова Е. Метод экстраполяции в смене парадигм научного познания | 212 |

Филология

| | |
|--|-----|
| Абдувахабова Д. Экспрессивлик ва эмотивлик категорияларини коммуникатив-прагматик хусусиятлари | 216 |
| Abdujabborova X. Alisher Navoiy asarlarida “faylasuf” termini ma’nosini bildiruvchi so‘zlar talqiniga doir | 219 |
| Абдуллаев А. Жой номларида миллий-маданий белгиларнинг акс этиши (тошкент вилояти топонимлари мисолида) | 222 |
| Abdullayeva K. Comparative analysis of english and uzbek folklore genres | 226 |
| Абдухамидова Д. Значение 家-иэ-«дом» в системе имен родства в японском языке | 229 |
| Авилова К. Тиббий терминологиянинг лингвистик хусусиятлари, "тиббий атама" тушунчаси ва унинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи..... | 232 |
| Азимов И. Иброҳим тоҳирийнинг тил ва имло масаласига муносабати | 236 |
| Ataboyev A. Ўзбек ва инглиз тилларида боғловчилар семантикаси | 240 |
| Ахмедова О. “Ё рамазон” кўшиқларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш ва талқини масалалари | 244 |
| Vaxodirova Sh. Psixolingvistik yondashuvga doir tadqiqotlar tarixi va tavsifi | 247 |
| Бобокалонов П. Француз ва ўзбек тилида каноник модели гап, каноник модели гапларнинг прагматик хусусиятлари, гап таркибидаги унсурларнинг объектив ва субстанционал қиймати | 251 |
| Давронова Ш. Адабиётда контраст тасвирлаш усули (исажон султоннинг “олисдаги урушнинг акс-садоси” хикояси мисолида) | 253 |
| Djamalxodjayeva G. Muhammad Yusuf dostonlarida maqol va matallarning ifodalanishi | 256 |
| Джафарова Д. Француз ва ўзбек тилларида “тарихий хотира”ни ифодаловчи матнлар таҳлили | 259 |
| Дўстматова Н. Форма сравнительной степени прилагательных..... | 261 |
| Зоирова А. Феминистик тадқиқотларда гине критик ёндашув | 265 |
| Избаева Н., Гафурова У. Некоторые размышления о термине «школы в науке»..... | 268 |
| Икромхонова Ф. Типологик таҳлиллар (тарихий асарлар мисолида) | 271 |
| Ишанжанова М. Француз ва ўзбек матнларида макон дейксисининг стилистик таҳлили | 274 |
| Matkarimova A. Linguopragmatic and linguoculturological features of language means expressing the semantic field of "respect" | 278 |
| Мирханова Г. Синоним сўзлар ўқув луғатининг мегақурилиши | 281 |
| Mirsharipova Sh. Tarixiy romanlarda temuriy malikalar obrazi talqini | 284 |
| Муллаева С. Мултимедиявийликнинг анъанавий матбуот материалларига таъсири | 288 |
| Обиджонова М. Рэй брэдбери ва хожиакбар шайхов хикояларида фан-техника тараққиётига муносабат..... | 292 |
| Расулова Г. Айрис мёрдокнинг «кўнғироқ (the bell)» романида композиция қурилиши | 295 |
| Раҳимов З. Бадииятда изтироблар талқини..... | 299 |
| Хурсанов Н. Драматик асарлардаги вербал компонентларнинг социопрагматик хусусиятлари..... | 302 |
| Шодиёва Ш. Концептнинг лисоний воқеланиши | 305 |
| Eshniyazova A. Zamonaviy qissa poetikasida ramz va metafora..... | 308 |



УДК: 371.123:821.512.133

Махфуза ТУЙЧИЕВА,

Тошкент давлат техника университети доценти в.б

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: mahfuza.t.u@mail.ru

ЎзЖОКУ катта ўқитувчиси Эшниязова Айимхон тақризи асосида

АНАЛИЗ УЧЕБНЫХ МАТЕРИАЛОВ В УЧЕБНИКАХ «ЛИТЕРАТУРА»

Аннотация

Статья посвящена истории изучения учебников по литературе в методике преподавания данного предмета. На примере учебника 5-го класса анализируется влияние вопросов, заданий и комментариев на отношение к литературе и формирование учащегося в качестве самостоятельной личности, исследуется совершенствование учебных материалов, а также анализируются преимущества их использования для повышения уровня мотивации учащихся.

Ключевые слова: вопросы и задания, художественный текст, учебный материал, учебный процесс, анализ художественного произведения.

ANALYSIS OF TEACHING MATERIALS IN "LITERATURE" TEXTBOOKS

Abstract

The article describes the history of the study of "Literature" textbooks in the methodology of teaching literature. In the example of the 5th grade textbook, the improvement of teaching materials was studied, and the influence of the main article, comments, questions and assignments on the attitude to literature, its leading to the development as a person was researched. The role and importance of generating students interest is highlighted.

Key words: questions and tasks, artistic text, study materials, study process, analysis of work of art.

“АДАБИЁТ” ДАРСЛИКЛАРИДАГИ ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Мақолада адабиёт ўқитиш методикасида “Адабиёт” дарслиklarининг ўрганилиш тарихи ёритилган. 5- синф дарслиги мисолида ўқув материалларининг такомиллашиши тадқиқ этилиб, бош мақола, изоҳлар, савол ва топшириklarнинг берилиши адабиётга бўлган муносабатга таъсир этиши, шахс сифатида ривожланишига олиб келиши ўрганилган. Ўқувчилар кизиқишини ҳосил қилишдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: савол ва топшириklar, бадий матн, ўқув материали, ўқув жараёни, бадий асар таҳлили.

Kirish (Introduction). Адабиёт инсоннинг маънавий дунёсини шакллантириш ва ахлоқий қиёфасини белгилашда энг самарали таъсир кўрсатувчи санъат туридир. Адабиёт ўқитиш методикаси илми билан шуғулланган методист олимлар А. Зуннунов, М. Мирқосимова, С. Матжонов, Қ. Йўлдошев, Қ. Хусанбоева, Р. Ниёзметова, Р. Келдиёров, Ҳ. Суёнов, О. Усмонова, У. Марасулова ва бошқалар, педагог олимлардан Ф. Норбаева, М. Исаева, М. Жамолитдинов, А.Тилегенов, С. Чиниева кабилар таълим-тарбияда адабиёт дарсларининг бола маънавий камолотида тутган ўрнига алоҳида урғу беришган. Психологлар ҳам адабий таълим инсон маънавий дунёсининг шаклланишида катта аҳамият касб этишини таъкидлайдилар. Масалан, Э. Ғозиев ўсмир ақл-заковотининг камол топишида она тили ва адабиёт дарслари ва ўқитувчисининг роли жуда муҳимлигини ёзса [1], С. Н.Карасева ўсмирларнинг маънавий-ахлоқий қадриятларни ўзлаштиришида адабиёт асосий воситалардан бири эканлигини таъкидлайди [2].

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review). Дарсликнинг ўқитувчидан кейинги рутбада турувчи мавқеи унинг мукамал бўлиши, таълимнинг сифатини, самардорлигини таъминловчи оимлардан бири эканлиги туфайлидир. Шу сабабли ҳам илмда дарслик масаласига кўп эътибор қаратилган. Миллий педагогикада бевосита дарслиklar масаласи билан Г. С. Эргашева, Қ. Т. Олимов, Н. И. Тайлақовлар алоҳида шуғулланганлар. Шунингдек, ўзларининг илмий ишларида “Адабиёт” дарслиklари масаласига Қ. Йўлдошев, М. Мирқосимова, Қ. Хусанбоева, Р. Ниёзметова, С.

Матжонов, М. Исаева, М. Жамолитдинов, А.Тилегеновлар ҳам у ёки бу даражада тўхталиб ўтганлар.

“Узлуксиз адабий таълим йўриғи”и (концепцияси)да умумий ўрта таълим мактаблари учун яратиладиган “Адабиёт” дарслиklarига куйидаги талаблар қўйилган:

- дарслик ўқув дастури мазмунини адабиётнинг энг сўнгги ютуқларини назарда тутган ҳолда, илмий-методик жиҳатдан юқори савияда очиб бера олиши;

- ўқувчининг мустақил ишлаши, ўз фикр-мулоҳазаларини раво, саводли баён қила олишини таъминлаши;

- тарбияланувчини мустақил ижодий мушоҳада юритишга ундаши;

- ўқув фанига оид асосий маълумотлар, илмий тушунчалар, қоидалар ўқувчи савиясига мос бўлибгина қолмай, балки уларнинг билим даражасидан олдинроқда юриши, тарбияланувчиларни олға етаклаши;

- дарслиklarдаги материаллар бадий адабиётнинг турмуш билан, ҳаётий тажрибалар ва маънавий қадриятлар билан алоқасини мустаҳкамлаши;

- билимларнинг мунтазам, мустаҳкам ва онгли ўзлаштирилишига, ўқувчиларда бадий адабиётга муҳаббат уйғота оладиган, уларда миллий қадрият ва урф-одатларга ҳурмат туйғусини ўстирадиган, миллий ғурур, ватан ва халққа чексиз муҳаббат ҳисларини шакллантиришга ёрдам берадиган тарзда тузилиши кераклиги белгилаб қўйилди” [3].

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).

Дарслик ўқитувчи учун ўзига хос методик йўриқнома, ўқувчи учун эса кизикарли, мустақил ижодий фикрлашга ундовчи, “яқин ўртоқ” бўлиши лозим. Дарслиklar назарияси билан махсус шуғулланган оимлар таълим-

нинг муҳим дидактик воситаси ҳисобланган дарсликка алоҳида эътибор беришган.

Умуман, адабий таълимни замонавий талаблар асосида ташкил этиш устида иш олиб бораётган методист-олиmlар ўз ишларида дарслик характери, ундаги ўқув материалларининг тили, бадиий матн таҳлили, савол ва топшириқларнинг берилиш тарзи, ёзувчиларнинг таржи-маи ҳолига алоҳида тўхталганлар.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). “Адабиёт” дарсликларини тадрижий ўрганиш, таҳлил қилиш кейинги тадқиқотлар учун асос бўлади. Чунки таълимдаги ўзгаришлар дарсликларда акс этиб боради. Адабиётнинг инсон тафаккурини таъсири юқорилиги сабабли ҳам ундан турли даврларда ҳукмрон мафқуралар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб келган. Мустақилликка эришилгандан кейин “Адабиёт” дарсликлариди адабиётга соф эстетик ҳодиса сифатида баҳо бериш, уларга янгиланган адабий тафаккур нуқтаи назаридан ёндашиш яққол кўзга ташлана бошлаган. Масалан, ўқувчи макомининг ортиши, ҳамкорлик педагогикасига эътиборнинг ошиши ҳам дарсликларда қайсидир даражада акс этган. Буни 1991 йилги 5-синф “Ватан адабиёт” дарслиги [4] билан 1994 йилда нашрдан чиққан “Ўзбек адабиёти” дарслигининг [5] бош мақоласи “Кириш” ва “Муқаддима”ни солиштириш мисолида кўриш мумкин. 1991 йилги нашрнинг бош мақоласи “Кириш” деб номланиб, адабиёт сўз санъати деб аталлишининг сабабини қисқа жумлалар билан изоҳ бериб ўтилган, ҳолос. Дарсликнинг “Кириш” қисмидан сўнг мавзулар хронологик тарзда берилди бошланган. 1991 йилги нашрда “Халқ оғзаки ижоди” рукни остида “Уч оғани ботирлар” эртаги, “Чамбил қамали” достони, “Маликаи Хуснобод” эртаклари тақдим этилган ва улар ҳақида кичик таҳлилий матн, топишмоқлар ва топишмоқлар ҳақида таҳлилий матн, мақоллар ва мақоллар ҳақида таҳлилий матнлар берилган. “Уч оғани ботирлар” эртаги унга оқ-қора тасвирда расмлар илова қилинган ҳолда тўлиқ берилиб, “ўз сўзингиз билан ҳикоя қилинг” деб ўқувчини шунчаки қайта ҳикоялашга йўналтирилган топшириқ билан бир қаторда “Уч оғанининг зийраклиги ҳақида эртақдан мисоллар келтириб сўзланг, эртақлар қандай сўзлар билан бошланади ва тугалланади?” каби уларни қисман изланишга, ўйлашга ундайдиган савол-топшириқлар ҳам берилган.

5-синф “Адабиёт” дарсликларининг 1999 йилги нашридаги бош мақола “Адабиёт нима?” деб номланади [6]. Мақолада бадиий адабиётнинг сўз ёрдамида майдонга келишини тасвирлашдан олдин, санъатнинг мусиқа, ракс, ҳайкалтарошлик сингари турларига тўхталинган. Адабиётнинг таъсир кучи Ҳамзанинг бир шеъри мазмунини изоҳлаш билан кўрсатилган ва панд-насихатлардан кўра ана шундай ҳикоятлар ёрдамида кишилар онги, юраги, диний қарашларига таъсир ўтказиш мумкинлиги айtilган. Адабиёт ана шу имкониятлардан фойдаланишга интилиши таъкидланган. Мақолада ўқувчиларнинг бошланғич синфларда ўрганганларини тақдорлашга, эслашга ундовчи қуйидагича савол ва топшириқлар келтирилган: “Куддус Муҳаммадий адабиётнинг қайси турида ижод қилган?”, “Ватан, истиқлол, мактаб ҳақидаги шеърлардан бирини ёд айтиб беринг”. Бу каби савол-топшириқлар маълум даражада адабий таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади, албатта. Лекин уларнинг бу тариха жўн, фақат хотира ҳисобидан ишлашга қаратилган турлари адабий таълимнинг мақсадига мувофиқ келавермайди.

5-синф “Адабиёт” дарсликлариди 1999 йилги нашрдан бошлаб мавзулар хронологик тарзда эмас, рукнлар остида бирлаштирилиб берилди бошланган: “Ҳикмат дурдоналари”, “Эртақларнинг сеҳрли олами”, “Афсоналар садоси”, “Мумтоз адабиётга саёҳат”, “Бола-

ликнинг бегубор олами”, “Ватанни севмоқ иймондандир”. Дарсликларда адабий матнларнинг бу тариха махсус рукнларда тақдим этилиши ўқитувчи эътиборини бадиий матнни қайси ракурсда ўрганишга йўналтирилганлигига қаратади. Рукнга жамланган асарлар мажмуи ўқувчи диққатини узок вақт бир мавзу атрофида ушлаб туради. Бу борадаги қарашларининг қатъийлашувига шароит яратади.

Йиллар ўтиб боргани сари дарсликлардаги муқаммаллашув ҳар бир мавзуда кўринади, дейиш тўғри бўлмайди, албатта. Баъзи мавзуларнинг берилишида, асарни ўрганишда аввалги йиллардаги дарсликлардан ўрганадиган, намуна олса бўладиган жаҳатлари ҳам бор. Масалан: Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртагини ўрганиш мустақиллик йилларидаги дарсликларда қисқа кўринишда берилган. 5-синф дарслигининг 1957 йилги нашрида савол-топшириқлар икки қисмга: “Саволлар ва вазифалар” кўринишида берилган [7]. 1971 йилги нашрда ҳар бир бўлимга алоҳида савол ва топшириқлар тақдим этилган [8], ўқувчини матнга таяниб, изланишга, ўйлашга ундашга ҳаракат қилинган: “Бу эртақ билан “Маликаи Хуснобод” эртагининг қандай ўхшаш томонлари борлигини гапириб беринг. Қуйидаги мақолларни ўқинг, қайси бири эртақнинг маъноси билан боғланишини аниқланг: “Халқ тинчлигини бузган омон қолмас”; “Юрт кўрисанг ўзарсан, кўримасанг тўзарсан”.

Дарсликларда тақдим этилган матнни қайта гапириб беришга йўналтирувчи саволлар ҳам, аслида, асар матнни қайта ҳикоялаш ўқувчининг хотираси ҳисобидан бажариладиган ва бошланғич синфлар адабий таълимнинг дидактик иш тури бўлса-да, бу ўқувчиларни қайсидир даражада изланишга ундашга ҳаракат қилинган. Масалан: “Асарнинг IV бобини эртақка яқинлаштириб сўзлаб беринг ва нутқингизда “девдай қадам ташлади”, “Бахтиёр ғазаб сочди”, “чол бирдан чўчиб қочди” каби иборалардан фойдаланинг”.

Шунингдек, дарсликда асар матни асосида чизилган расм юзасидан ҳам савол-топшириқлар берилган бўлиб, улар ўқувчини зийракликка, синчковликка, тасвирий санъат намуналарини ўқишга ундайди: “29-бетдаги расмга диққат қилинг. Ҳар бир шахс (хон, Дархон, Ойгул)нинг қандай ҳолда турганлигини сўзлаб беринг” [8].

2007 йилда яратилган 5-синф “Адабиёт” дарслигида ўсмирлик даврининг илк палласига кирган ўқувчининг психологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тузишга катта эътибор берилган [9]. Уларда ўқувчиларга кўп нарсани айтиш имкони берилган, шахсияти ҳурмат қилиниб, катта ҳарфлар билан “Сиз” деб муносабат қилинган. Янги ибораларнинг “сал оғирлик қилаётан бўлса, буни бир содда мисол билан тушунтирамиз” тарзида берилиши ўқувчида ўзига ишонч, масъулият туйғусини тарбиялайди. Бош мақолада адабиёт тарих билан боғланиб, тарихий ҳикояларни эслатиш орқали фанлараро узвийликни таъминлаш билан бир қаторда сўз санъатининг инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги кўрсатиб бера олинган. Муҳаммад Юсуфнинг “Ватаним” шеърдан олинган парча орқали “Она ватан” тушунчасига изоҳ берилиши ва адабиётнинг нафислиги билан дағаллик, бефарқлик, ёвузлик сингари ёмон одатларга ўрганиб қолишдан асраши ишонарли, ўқувчига таъсир эта оладиган тарзда берилган. Адабиётнинг тарбиявий аҳамиятини ёритиш билан бир қаторда билимларни кенгайтириши ҳамда бойитишга ҳам хизмат қилишига урғу берилганки, бу “Адабиёт” дарслигининг нуфузи ошишига ижобий таъсир қилган. Бош мақолада адабиёт дарсининг аҳамиятини ёритишдан “нега бадиий асарлар кишиларни бунчалик кизиқтиради?” саволига жавоб бериш, адабий асарларнинг турларини изоҳлашга ўтилган. “Адабиёт – сўз санъати” мақоласи илк саҳифаларданок

Ўқувчини адабиётга ошно қилишга қаратилган. Уни мустаҳкамлашга берилган савол ва топшириқлар маълум даражада ўқувчида уйғонган илк таассуротни ривожлантириб, уни ижодий, мустақил фикрлашга йўналтирилганлиги билан диққатга сазовор: “Ҳозирга қадар ўқиган адабий асарлардан қайси бири Сизга энг кучли таъсир қилган? Бу таъсирнинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз? Кўчалар, метро бекатлари, театрлар, шаҳар ва кишлоқлар, турли давлат мукофотларининг кўпчилиги шоир-ёзувчилар номига қўйилишининг сабаби нимада экан? Адабий асар билан муаллим дарси ўртасида қандай ўхшаш ва фарқли томонлар бор? Фикринингизни аниқ мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилинг” ва ҳк.

2007 йил нашридаги 5-синф “Адабиёт” дарслигида энг муваффақиятли берилган мавзулардан бири “Уч оғани ботирлар” эртагидир. Олдинги нашрлардан фарқли ўларок, эртак матни ботирлар ва подшоҳ ўртасида бўлиб ўтган воқеаларни камраб олади. Матнни беришдан олдинги “Уч оғани ботирлар” эртаги ҳақидаги изоҳда эртак деб нимага айтилиши, унинг ўзига хос қурилиши, эртакнинг бошқача атамаси ҳам учраши ҳақида назарий маълумот берилди. Эртакнинг тарбиявий аҳамияти изоҳланади: “Баркамол йигит бўлиб вояга етган уч оғани ботирлар подшоҳга куёв бўлиши. Энди улар саройда қолиб, айш-ишрат қилиб ётсалар ҳам бўлар эди. Подшоҳнинг ўзи уларга шунини таклиф қилди. Бирок оғанилар бунга рози бўлмадилар. Нега? Эртакни ўқиб чиқсангиз, буни ўзингиз билиб оласиз”, - дея ўқувчини асарни ўқишга кизиқтирилади. Дарсликнинг олдинги нашрларида эртакнинг ботирларни йўлдаги саргузаштлари берилиб, воқеалар ривожини охирига етказилмаган. Амалдаги дарсликда эртак воқеаларининг иккинчи ярми ҳам берилганки, бу ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларига мос келади.

Маиший эртаклар турига қараган “Уч оғани ботирлар” эртаги қайси жиҳатларига кўра шу турга мансублигини, умуман эртакларнинг бир неча турларга бўлиниши ҳақида маълумот бериб ўтилганда эртак ҳақидаги назарий билимлар янада тўлиқ бўлар эди. Мақолада у ҳақда маълумот берилмасида: “Сиз ўтган дарслардан эртакларнинг бир неча турларга бўлинишини билиб олган эдингиз” эслатмаси берилди [9].

Бу дарсликда ҳам “Ойгул билан Бахтиёр” эртаги қисқартиришлар билан берилиб, уни тўлиқ матнини ўқиб чиқиш вазифаси топширилади: “Мақтабингиз кутубхонасидан Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-дostonини топиб, тўлиқ ўқиб чиқинг”.

Жуда раво, қийинчиликсиз ўқиладиган асардаги шеърый санъатларнинг изоҳланиши 5-синф ўқувчисига она тилидан ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлашга, Ҳамид Олимжон маҳоратини кўз олдига гавдалантиришга хизмат қилади: “... Жамбил элининг қонхўр хони зулмга қарши бош кўтарган халққа раҳбарлик қилган кекса Дархоннинг бошини танасидан жудо қилиб, унинг гўзал қизи Ойгулга тикилиши:

Қиз олдида бу хирс

Кўрсатиб ёввойи хирс...

дея тасвирланади. “Хирс” форс-тожик тилида “айиқ” дегани бўлса, “хирс” – инсоннинг кўпол нафсини ифодалайдиган тушунчадир”. Ёки асардаги: “яна бир бадий топилмага” эътибор қаратилиб, Ойгул балик қорнидан топиб олган гавҳарни сотиш учун бозорга тушган чолни устамон савдогар: “Чолни қўймай холига, олиб чиқиб холига” гаплашади. Достондаги бу каби топилмаларга ўқувчининг эътиборини тортиш она тили фанидан ўтиладиган ундошлар имлосини мавзусини мустаҳкамлашга, фанлараро узвийликни таъминлашга ҳам хизмат қилади” [9].

2017 йилдаги “Адабиёт” дарслигида санъатнинг бошқа турларига мурожаат Андерсен ижодиди кузатилади: “Сиз унинг эртаклари сюжети асосида ишланган кинофильмлар, сахна асарларини кўп кўргансиз. Дюмчаҳон, Иркит ўрдакча, Булбул, Кай, Герда, Сув париси каби образлар соф инсоний орзулар билан халқ эртакларига хос хаёлий саргузаштларнинг уйғунлашиб кетганлиги туфайли барчамизнинг сеvimли қаҳрамонларимизга айланган” [10].

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).

Умуман, 5-синф учун яратилган қатор дарсликлар таҳлили шунини кўрсатадики, улар нашрдан нашрга такомиллаштирилиб борилган. Ўқувчини ижодий фикрлашга ундайдиган савол ва топшириқлар кўп берилган. Кейинги жараёнларда асосан шундай вазифалар берилиши лозимдир. Чунки “Агар ҳикояни бошқача номлаш керак бўлса, сиз унга қандай сарлавҳа қўйган бўлардингиз?” каби дидактик воситалар ўқувчида ўзига ишонч туйғусини шакллантириб, фикрини эркин ифодалашга, қаҳрамонларга, воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабатини матнга таянган ҳолда ифодалашга ёрдам беради. Зеро уларга берилган ҳар қандай жавоб нотўғри бўлмаслиги билан бир қаторда зерикарли, зўрма-зўраки ҳам бўлмайди. Ўз жавобига тенгдошларининг диққатини сезган ўсмир тенгдошлари ичида тан олинмиш, атрофдагиларнинг эътиборини тортиш, ўз мавқеини оширишга интилиши каби психологик эҳтиёжини қондиради. Бу ўз-ўзидан дарсга қизиқишни ҳам келтириб чиқаради. “Адабиёт” дарсликларда тақдим этилган материаллар юзасидан берилган дидактик материалларнинг ўрганилаётган бадий асар қаҳрамонлари ҳолатини ҳис этиш ва фикрини ҳиссиётларидан келиб чиққан ҳолда ифодалашга йўналтирилган тарзда тузилганлиги ўсмирлик даврига хос бўлган энг мураккаб жиҳат – эмоционал беқарорликдан адабий таълимда унинг ўзи учун унумли фойдаланиш имконини беради.

Демак, умумий ўрта таълим иккинчи босқичининг дастлабки бўғини бўлган 5-синфда ўқувчи учун “Адабиёт” дарсликларига материал танлашда ҳар томонлама: ҳам руҳий, ҳам маънавий, ҳам жисмоний-физиологик ўзгаришларнинг инобатга олинмиши адабий таълим самарадорлиги гаровидир.

ADABIYOTLAR

1. Ғозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 244 б.
2. Карасева С. Н. Психологические основы духовно-нравственного и волевого развития подростка в учебной деятельности. Автореф. дис. ... канд. псих. наук. – М., 2005. – 21 с.
3. Узлуксиз адабий таълим йўриғи (концепцияси). – Т.: ЎзПФТИ, 1995. – 22 б.
4. Ватан адабиёти. 5-синф учун дарслик хрестоматия. /Тузувчилар: А. Зунунов, Р. Усмонов, Р. Ниёзметова, М. Исмоилова. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 461 б.
5. Sarimsoqov B., Xalilov T., Qurbonboev B. O'zbek adabiyoti. 5-sinf uchun darslik-majmua. –Т.: O'qituvchi, 1994. – 325 b.
6. Karimov N., Normatov U. Adabiyot. 5-sinf uchun darslik-majmua. – Т.: O'qituvchi, 1999. – 352 b.
7. Ватан адабиёти. Ўрта мактабнинг 5-синфи учун хрестоматия. /Тузувчи С. Долимов. – Т.: Давлат ўқув-педагогика нашриёти, 1957. – 184 б.
8. Ватан адабиёти. 8 йиллик мактабнинг 5-синф учун хрестоматия. /Тузувчи С. Долимов. –Т.: Ўқитувчи, 1971. 237 б.
9. Ahmedov C., Qosimov B., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. 5-sinf uchun darslik. –Т.: Sharq, 2007. – 175 b.
10. Ahmedov C., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. 6-sinf uchun darslik. I qism –Т.: Ma'naviyat, 2017. – 240 b.